ТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 100 (9.597) 2001 йил 27 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


10 Шу азиз Ватан – барчамизники!

# Бунёдкорлик – салоҳиятимиз рамзи

**Азиз Ватанимизнинг гўзал пойтахти Тошкент истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган бир-биридан муҳташам бино ва иншоотларга бой кўркам шаҳарлардан бирига айланди. Шаҳарнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти тобора юксалиб боряпти.**

**Шаҳарсозларимиз Мустақилликнинг ўн йиллиги байрамига пойтахтимиз кўркига янада кўрк, шукуҳига шукуҳ қўшадиган янгидан-янги маъмурий иншоотлар, турар жой бинолари, касб-ҳунар коллежлари, кўприклар, йўллар, боғ ва хиёбонларни туҳфа этмоқдалар.**

**Байрам арафасида Йўлбошчимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишуви яхши анъана бўлиб қолган.**



25 август куни Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг кичик ҳалқа йўли — шаҳар ички транспорт магистралини барпо этишда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, узунлиги қарийб 35 километр масофани қамраб оладиган Тошкент ҳалқа йўли қурилишининг дастлабки босқичида бажарилган ишларга баҳо берди. Мазкур қурилиш асосан Амир Темур кўчасидан Хидирали Эргашев кўчаси орқали Шимолий темир йўл вокзалигача бўлган ҳудудда амалга оширилди: қарама-қарши томонга бирйўла саккиз қатор машина ҳаракатланадиган эни 32 метрли замонавий равон йўл бунёд этилди, шу йўналиш бўйича янги троллейбус қатнови ҳам бошланди.

Бунинг учун йўлсозлар нисбатан қисқа вақт мобайнида 7,5 километр масофадаги қурилиш ишларини аъло даражада бажариб, магистралнинг энг муҳим қисми — учта кўприкни барпо этдилар. Буюк Ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад кўтарган бу иншоотлар кичик ҳалқа йўлнинг изчил давомийлигини таъминлабгина қолмай, автомобилларнинг тез, қулай ва бехатар ҳаракатланишига имкон яратади. Иккинчи томондан эса бу — йўловчиларнинг олтиндан қиммат вақтини тежайди.

Айтиш жоизки, транспорт қатновини янада такомиллаштириш мақсадида барпо этилаётган ушбу ҳалқа йўлнинг пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бораётган Тошкент кўчаларида автомобиллар сони тобора кўпаймоқда. Бу, табиийки, йўлсозликда ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Шу боис, шаҳарни 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасига биринчи навбатда Тошкент кичик автомобиль ҳалқа йўли лойиҳаси киритилгани бежиз эмас.

Бу йўл қурилиши келгусида ҳам кенг ва мустаҳкам кўприклар, улкан ер ости йўлларини барпо этишни тақозо этади. Лойиҳага кўра, ушбу магистраль жами тўққизта кўприк ва бир қанча тоннель орқали ўтиб, транспортнинг ҳеч бир монеликсиз ҳаракатланишини таъминлайди.

Мазкур лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у келгусида пойтахтимизнинг Яккасарой, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманларини бир-бири билан боғлайди. Қолаверса, шу ҳудуддаги йирик савдо марказлари, бозорлар, ўқув даргоҳлари, спорт иншоотлари ва бошқа муассасаларга қатнаш яхшиланади. Одамлар ортиқча йўл машаққатидан холи бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу соҳа мутахассислари — қурувчи, меъмор ва муҳандисларни, шаҳар жамоатчилиги вакилларини суҳбатга чорлаб, йўлсозлик борасидаги ишларни янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирар экан, келгусида азим шаҳримиз қиёфасини бундан-да обод ва гўзал қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни жаҳон талаблари даражасига кўтариш асосий мақсадларимиздан бири эканини таъкидлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай буюк бунёдкорлик ишлари, аввало, одамларимиз қалбида тинчлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва яратувчилик руҳи мужассамлигидан, бошқача айтганда, ўз она-Ватанига, халқига меҳр-муҳаббати юксак эканлигидан далолатдир.

Шу куни Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» теннис клуби қошида қурилган сув спорти саройини бориб кўрди. Бу ерда спортнинг ана шу тури билан шуғулланиш, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун барча шароит муҳайё қилинган. Сарой бундай мусобақаларнинг иштирокчилари учун ҳам, томошабинлар учун ҳам, журналистлар учун ҳам қулай. Улкан бино ҳавосининг ҳарорати ва намлигини компьютерлашган қувватли кондиционерлар мўътадиллаштириб туради.

Президентимиз азим Тошкент қиёфасига ўзгача салобат бағишлаб турган муҳташам иншоотлардан бири — Халқаро бизнес маркази биносини кўздан кечирар экан, бу ердаги барча бунёдкорлик ишлари энг замонавий меъморлик услублари асосида бажарилгани, натижада мазкур ҳудуд «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ва Миллий банк бинолари билан уйғунлашиб, улкан меъморий мажмуа кўринишини олганини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Халқаро бизнес марказида фаолият бошлаган Ўзбекистон — Япония маркази ҳамда пойтахтимизнинг сўлим маскани — «Тошкентленд боғи» мажмуи яқинида бунёд этилган «Япон боғи»га ташриф буюрди.

Маълумки, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда эса ўзаро муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланиб, ҳамкорлигимиз теран мазмун касб этмоқда. Икки халқ дўстлиги рамзи сифатида Тошкентда «Япон боғи»нинг барпо этилиши фикримиз исботидир.

Юртбошимиз кунчиқар мамлакатнинг миллий меъморлик анъаналари асосида барпо этилган мазкур боғни кўздан кечирар экан, бу ердаги ҳамма нарса мўъжизакор Японияни эслатиб туриши билан ҳам гўзал ва мафтункор эканлигини таъкидлади. Боғнинг кўл бўйида жойлашиши эса океан қўйнидаги оролчаларда юксалган ўлка — Япония табиатига ниҳоятда мосдир.

Боғдаги нафис гуллар, улкан тошлар ва улар орасидан оқаётган зилол сув мавжи шаршарани эслатади. Шаршара бўйида барпо этилган мўъжазгина япон чойхонаси эса боққа ўзгача руҳ бағишлаб турибди. Чойхонада мамлакатимиз раҳбарини япон қизлари миллий таомил бўйича чой ва ширинлик билан меҳмон қилишди.

Боғда Президент Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий журналистларга интервью бериб, жумладан бундай деди:

— Япон фалсафаси билан қадимий ўзбек фалсафаси муштаракдир.Бу ердаги барча нарсада табиийлик ва гўзалликни кўриб, мен бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига келсак, аввалambор, бу — мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, тотувлик ва меҳр-оқибатнинг мевасидир, деди Юртбошимиз. Халқимизга хос яратувчилик кайфияти бутун мамлакатимизни қамраб олган. Бугун барпо этилаётган ҳар бир иморат, соғломлаштириш иншооти, ўқув маскани, йўл, завод ва фабрикалар, албатта, халқимизнинг фаровонлигини оширишга, келажак авлоднинг баркамол ўсиб-улғайиши учун хизмат қилади. Биргина пойтахтимиз қиёфаси қисқа вақт мобайнида қай даражада ўзгарганини кўриб турибмиз. Бундай бунёдкорлик ишлари нафақат азим Тошкентда, балки бутун мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётганига гувоҳмиз.

Президент Ислом Каримовнинг мустақиллик иншоотлари билан танишувида унга Бош вазир ўринбосарлари М.Усмонов, А.Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**Мусурмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: мустақиллик иншоотлари билан танишув пайти.**

**Дилшод Юсупов**
**(ЎзА) олган суратлар.**







# Улуғлари эъзозланган юрт завол кўрмагай

**Неча асрдирки, буюк шоир ва улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи тилдан тушмайди. Асарлари ҳамиша мутолаада, олам олимларининг тадқиқотларида.**

**Тарих улуғ инсонларни кўп кўрган. Навоий эса буюкларнинг буюги, миллат тимсолидир.**

Қуёшни беркитиб бўлмаганидек, миллат йўлини ёритиб турган қалби қуёш инсонларни ҳам тарих саҳнасидан, халқ хотирасидан асло ўчириб бўлмайди. Не-не мустабид замонлар ҳам улуғ Навоий даҳоси олдида ожиз қолгани рост. Аммо яқин ўтмиш тажрибасидан маълумки, мустабид тузум халқнинг буюк руҳини сўндириш учун унинг тарихида ўтган улуғ инсонларни бор бўй-басти билан кўрсатмасликка жаҳд қилади. Бундай тажовуздан улуғ Навоий ҳам четда қолмади. Шахси, ҳаёти ва ижоди бузиб, бир ёқлама талқин қилинди. Нодир асарлари узиб-юлиб нашр этилди. Улуғ шоирнинг улкан меросини усталик билан келажак авлод қалбидан бегоналаштириш, сунъий зиддиятлар тўқиб чиқариш орқали ўз сиёсатига мослаб талқин этиш йўлидан борилди.

Фақат истиқлол шарофати туфайли тарихимизда ўтган бошқа буюк аждодларимиз сингари Алишер Навоий ҳам халқимиз кўз ўнгида бор улуғлиги билан қайта намоён бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг дастлабки йили озод Ватанимиз солномасида Навоий йили сифатида шарафланди. Пойтахтимиз марказида Навоий номидаги Миллий боғ барпо этилди. Энг муҳими, улуғ шоир меросини бутун кўлами билан, ҳар томонлама кенг ўрганиш, бу борада тарихий адолатни қарор топтириш учун имкон яратилди. Навоий ҳар бир хонадонга чинакам маънода кириб кела бошлади.

Президентимизнинг бундан икки йил муқаддам Навоий вилоятига қилган сафари, айтиш мумкинки, улуғ бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш солномасида яна бир янги саҳифа очди. Давлатимиз раҳбари ўшанда навоийликлар билан бўлган учрашувда, ҳадемай улуғ бобомизнинг 560 йиллик тўйи нишонланиши, шу муносабат билан шаҳарда ҳазрат номи билан аталувчи боғ барпо этилиши ва улуғвор ҳайкал қад кўтариши ҳақида сўзлаган эди. Шундай эзгу ният бугун рўёбга чиқди. Навоийда гўзал боғ, қутлуғ зиёратгоҳ бунёд этилди, улуғвор ҳайкал қад ростлади.

Бу хайрли ишларнинг бош ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 август куни боғнинг очилиш маросимида қатнашиш учун Навоий шаҳрига ташриф буюрди. Муқаддас жума куни тонг саҳардан ҳазрат Навоий зиёратига ҳукумат, вилоят маъмурияти вакиллари, илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари, оқсоқоллар келди.

Халқимизнинг азалий анъанасига кўра боғда ош тортилди. Бобокалон шоиримиз ҳаққига Қуръон тиловат қилинди.

Навоийликлар ва меҳмонлар Навоий ҳайкали пойида тўпланди.

Тантанали маросимни Навоий вилояти ҳокими Ғ.Дилов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари Навоийнинг номи ва ижодий мероси абадийлиги, иқтидорини эса на макон ва на замон билан чегаралаб бўлмаслигини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Жаҳон тиллари университетининг 1 курс талабаси Зебунисо Эсонова сўзга чиқиб, истиқлол шарофати билан Алишер Навоий юртнинг ҳақиқий тимсолига айланганини, бу борадаги хайрли ишлар амалга оширишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлади. Навоийлик таниқли адабиётшунос Ҳамид Мавлонов Амир Темурнинг қайси юрт ҳукмдори шоирларини излаcа, ўша юрт обод бўлур, деган сўзларини келтириб, илк бошдаёқ Соҳибқироннинг «Куч адолатдадур» деган ақидасини ўз сиёсатининг асоси этиб белгилаган Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Шоира Наталья Панова Навоийнинг русчага ўгирилган таржибандларидан ўқиди.

Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкалини тошкентлик истеъдодли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев, меъмор Баҳром Абдуллаев ҳамда ҳайкалтарош Павел Подосипников билан ҳамкорликда ишлаган. Улуғвор ҳайкал ёнида бир ярим минг ўринли амфитеатр, спорт мажмуи, 20 гектарлик сайилгоҳу хиёбонлар, ўнлаб дўконлар, табиийки, чойхона ва ошхоналар бунёд бўлди. Боғни ҳар томондан кесиб ўтган арикчаларда Зарафшон дарёсининг шаффоф суви жилоланади.

Шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўрнатилган «Юлдузнинг туғилиши», «Ўспиринлик», «Ёшлик» ва «Донишмандлик» деб номланган ҳайкаллар туркуми кишини фалсафий мушоҳадага, Навоий билан тиллашишга, у босиб ўтган умр йўлини тасаввур этишга ундайди. Бу ерга келган ёшу қарининг қалбига Фарҳоднинг жасорати, Қайснинг матонати, Баҳромнинг заковати жо бўлиши шубҳасиздир. Ҳазратнинг боғи ёшларимизда Навоий даҳосига интилиш уйғотади, ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳр-оқибат ва садоқатга ошно қилади.

Навоий ҳайкали пойида турган киши улуғворликдан, ўқилаётган шеърлардан, ҳайратдан маст бўлади, ён-атрофдаги фавворалар ясаган камалаклар эса кўнгилга заррин осойиш бахш этади...

Тантанали маросим ниҳоясида Президент Ислом Каримов журналистларга интервью берди.

— Бугунги воқеанинг жуда катта рамзий маъноси бор, — деди давлатимиз раҳбари. — Навоий вилоятининг олтини, қоракўлию пахтаси, умуман, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги улуши Ўзбекистоннинг обрўсини оширмоқда. Бошқа вилоятларда маданий тараққиёт имкониятлари бу ердагига нисбатан кўпроқ. Шу маънода, мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида ортга боқиб, амалга оширилган ва амалга ошмаган ишларни виждонан сарҳисоб қилганимизда, Навоий вилояти аҳолисининг руҳини кўтариш, маънан қўллаб-қувватлаш лозимлиги аён бўлади. Навоий номи билан аталувчи вилоятда, айни шу вилоятнинг маъмурий марказида ҳазрат боғини яратиш ва у зотга ҳайкал қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Бугун дунё ҳали Навоийдек шоирни кўрмаган, деб айтиш ўринлидир.

Ислом Каримов бажарилган ишлардан мамнуният билдирган ҳолда, янги боғ ҳали тўла мукаммаллик касб этмаганини, хусусан, ҳайкалнинг пойдеворини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлишини айтди.

— Навоий ҳайкали пойига гул қўйишни истаганлар тўғридан-тўғри эмас, поғонама-поғона кўтарилиб бориб унга яқинлашишида чуқур рамзий маъно бор, — деди Ислом Каримов. — Ҳар бир зинага оёқ босилганда, Навоий даражасига етишга интилиш, бобокалонимизга муносиб бўлиш ҳисси уйғонади. Ҳайкал пойдеворини кўтаришнинг яна бир муҳимлиги шундаки, киши боққа кириши биланоқ юксакда ҳазрат сиймосини кўриши керак. Навоийнинг улуғворлиги ҳайкал салобати туфайли шу ернинг ўзидаёқ аёнлашмоғи, боққа келганлар дарвозадан кириши билан унга таъзим қилмоғи даркор.

Шу билан бирга, Навоийнинг ижодий мероси биз учун суянч, таянч, ҳар ишда мададкор эканлигини унутмаслик лозим. Ислом Каримов биз Навоийни севамиз, ардоқлаймиз, деди, лекин бобомизнинг ижодий меросини ўрганишга келганда, у қадар мақтангулик жиҳатларимиз кўп эмас. Навоийни муҳим ҳаётий вазифаларни англаб етиш, муаммоларга ечим топишда ўзимизга мададкор билишимиз керак. У битган асарларда инсонни камолотга етказадиган, яхши-ёмон кунларда татийдиган, кўнгилга хотиржамлик, завқ-шавқ, кези келганда, сокинлик берадиган жиҳатлар кўп. Навоийни кўпроқ ўқиш, кўпроқ ўрганиш, теран англаш керак.

Куннинг иккинчи ярмида боғда вилоят бадиий жамоалари ижросидаги театрлаштирилган байрам концерти бўлди, Навоий ғазалларига ёзилган қўшиқлар янгради. Кечгача халқ сайли давом этди.

Улуғ шоир эса аждодларини ардоқлаган халққа мамнуният билан боқиб турибди. Унинг руҳи Яратгандан боболарини эъзозлаган авлодларга омонлик ва фаровонлик сўраётган бўлса, ажабмас.

«Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройларида, «Сўғдиёна» стадионида ҳам байрам тадбирлари авжга чиқди.

Тўйга тўёна билан, деганларидек, катта шодиёна ўтказилган куни Навоий шаҳрида аэропорт ишга тушди. Қайта таъмирланиб, узунлиги 1800, эни 42 метрли учиш-қўниш йўлаклари янгидан қурилган, биноси замонавий тус олган аэропортдан эндиликда хорижий мамлакатларга ҳам бемалол парвоз қилиш мумкин. Аэропортдан шаҳарга элтувчи 25 километрлик йўл ҳам қайта таъмирланди.

Шу билан бирга, қадим Карманада ҳам кўпгина таъмирлаш-қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Қосим шайх, Работи Малик, Сардоба меъморий ёдгорликлари таъмирланди, ўнлаб муҳташам бинолар, боғу гулзорлар, янги каналлар барпо этилди. Бир маҳаллар харобага айлантирилган азиз қадамжолар истиқлол шарофати билан янгидан дунё юзини кўрди, узоқ вақт зах ва рутубат босиб ётган ёдгорликлар бағрига ҳаётбахш нур ёғиб, ён-атрофида муаттар шаббода эсмоқда.

* * *

Шу куни Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан бу ерда илмий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда навоийшунос олимлар улуғ шоирнинг ижодий меросини ўрганиш, ёшлар орасида янада кенг тарғиб ва ташвиқ этиш борасидаги долзарб масалаларни муҳокама этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Ёркул УМАРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан Тошкент шаҳридан қуйидагилар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.**

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавияти ва маданиятни юксалтириш, юртимизнинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, эл-юртга ҳалол хизмати билан обрў-эътибор қозонгани, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётганини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:***

### «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

**Абдуллаев Саъдулла Асадуллаевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, рангтасвирчи

**Раҳимов Ҳабибулла Ғайбуллаевич** — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, бастакор

### «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

**Абдураззоқов Абдуғани** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири, профессор

**Ашуров Муҳсинжон Хурамович** — «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик

**Пратов Ўктам Пратович** — Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази лаборатория мудири

**Ўринбоев Асом** — Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Икрамова Дилдорхан (Дилбар Икромова)** — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

**Саъдуллаев Лутфулла Убайдуллаевич** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Фаёзов Фарзиддин Зайниддинович** — Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театр актёри

**Ҳайдаров Нуриддин Исманович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

**Ибрагимов Леким Хакимович** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, график рассом

**Мирсоатов Анвар Мирзараимович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, манзарачи рассом

**Муҳамаджонов Шомаҳмуд Шоходиевич** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, миниатюрачи рассом

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Муродов Мансуржон Носирович** — «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси наққоши

**Султонов Абдураҳмон** — «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси таъмирчи меъмори

**Усмонов Мирвоҳид Маҳмудович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

**Дўсмуродов Бекназар** — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

### «Ўзбекистон ифтихори»

**Арипов Дилшод Ҳакимжонович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг юнон-рум кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

**Мансуров Дилшод Исмоилович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

**Мухторов Дилшод Тоҳирович** — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

**Саидов Рустам Тўхтасинович** — Марказий ҳарбий спорт клубининг бокс бўйича йўриқчиси

**Тўлаганова Ирода Ботировна** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг теннис бўйича спортчи-йўриқчиси

**Қосимов Миржалол Қўшоқович** — Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори, «Крылья Советов» (Самара) клуби футболчиси

**(Давоми 2-бетда).**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Абдуллаева Юлдуз Абдурасуловна** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг хонандаси

**Акромова Гулноз Кўркмасовна** — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси

**Аҳмедов Ўктамжон Аҳатович** — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

**Жўрабоев Абдусамад** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Иброҳимов Иззатилла Рихситиллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Иванов Николай Владимирович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Исроилова Хуррият** — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси хонандаси

**Каримов Рустам Каримович** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

**Матчонов Матёқуб Саъдуллаевич** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

**Миняева Динара Рауфовна** — Тошкент давлат оперетта театри актёри

**Мирходиев Карим Хусанович** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Мубораков Абдувоҳид** — Т. Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри яккахон созандаси

**Олимов Аваз Баҳодирович** — ИИВ Ички қўшинлар бош бошқармаси ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Раҳматова Нилуфар Эргашевна** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Режаматова Фотима Тўғонбоевна** — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

**Сафаралиева Раъно Бахтияровна** — «Ўзбекрақс» эстрада бирлашмаси раққосаси

**Содиқов Тоҳир Баҳромжонович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Болалар» гуруҳи хонандаси

**Сулаймонова Гулбаҳор Омоновна** — «Ўзтелерадио» компанияси миллий эстрада оркестри хонандаси

**Тўхтаев Ҳамид Воҳидович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театр актёри

**Хуррамов Мансур** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри опера хонандаси

**Шокиров Маҳамаджон Зиятдинович** — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси созандаси

**Қаҳҳоров Эркин** — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси балетмейстери

**Қосимов Аббос Раҳматович** — «Аббос» миллий халқ чолғу асбоблари ансамбли созандаси

**Ғаниев Анваржон Жумабоевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Ҳасанова Нозима** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри балет артисти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Абралов Махмуд Абралович** — Тошкент давлат техника университети «Пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари» кафедраси мудири

**Грушевский Александр Васильевич** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг шахмат бўйича мураббийси

**Ирискулов Муҳамадхавас** — Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети «Тил ўқитиш маркази» директори

**Исмоилов Шоанвар Шоғиёсович** — Тошкент Ислом университети жисмоний тарбия кафедраси мудири

**Кеворкова Инна Александровна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Муродов Шонасир** — Ўзбекистон Бадиий академияси тасвирий ва амалий санъат касб-ҳунар коллежи директори

**Таджибаев Шакир Заидович** — Тошкент электротехника алоқа институти «Телевидение ва радиоэшиттириш» кафедраси доценти

**Тоҳиров Муҳамедали** — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти кафедра мудири

**Убайдуллаев Абдуманнон** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти кафедра мудири

**Умиров Сайди** — Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти

**Шагивалиева Кавсар Курбангалиевна** — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли республика ҳунар техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси

**Қосимов Анвар** — Тошкент давлат шарқшунослик институти «Сиёсатшунослик ва ҳуқуқ» кафедраси профессори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Абдураззоқов Абдухолиқ** — «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

**Муслимов Марҳамат** — «Сиҳат-саломатлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари

**Норқобилов Норқўчқор Раҳматович (Қўчқор Норқобил)** — «Ўзбекистон овози» газетасининг сиёсат бўлими муҳаррири

**Расулов Фаррух Ҳамидович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси шарҳловчиси

**Қаршибоев Муртаза Маматкулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, журналист

**Қурбонбоев Фарҳод Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби хизмати фотомухбири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

**Адилов Ғайрат Тишабаевич** — Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти лаборатория мудири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Абдугаппарова Умида Муратовна (Умида Абдуазимова)** — «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири, шоира

**Ёқубхўжаев Анвар Бўриевич** — «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси мутахассиси

**Йўлдошев Муслимбек** — «Ўзтелерадио» компанияси Ўзбекистон телевидениеси диктори

**Каприелов Сергей Сергеевич** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри режиссёри

**Каримова Дилорам Маликовна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Маънавият» бош муҳарририяти режиссёри

**Кодзаева Людмила** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

**Маминова Ирина Закировна** — Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонаси директори ўринбосари

**Мирзаев Рустам Олимович** — «Ўқитувчи» нашриёти директори

**Мухамедова Мапура Насриддиновна** — «Ўзтелерадио» компанияси Ўзбекистон радиоси «Мусиқа» бош муҳарририятининг катта муҳаррири

**Расулов Саидабзал Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби хизмати телеоператори

**Турсунов Раҳмат** — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти кафедра мудири, профессор

**Тўлахўжаев Нозим Туробович** — «Ўзбекфильм» киностудияси кинорежиссёри

**Узоқова Карима Қобуловна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Хўжаев Абдумавлон Абдураҳмонович** — Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри бадиий раҳбари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Денисова Галина Александровна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиникаси шифокори

**Маннанов Самук** — Республика ихтисослашган жарроҳлик тиббий маркази шифокори

**Курбонов Джаҳонгир Джамалович** — Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Каримов Муҳамадали Абдуғаниевич** — Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси бош котиби, Ўзбекистон Бокс федерацияси вице-президенти

**Пўлатов Фазлиддин Муҳиддинович** — Самбо бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош мураббийси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Квятковская Елена Борисовна** — Халқаро тоифадаги спорт устаси, енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори

**Латипов Латиф Ахмаджонович** — Халқаро тоифадаги спорт устаси, икки карра Осиё чемпиони

**Перепелова Любовь Геннадьевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби хизматчиси

**Ряхов Антон Иванович** — Халқаро тоифадаги спорт устаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони

**Турдиев Жаҳонгир Отабекович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг юнонрум кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

**Халилов Игорь Вячеславович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг оғир атлетика бўйича спортчи-йўриқчиси

**Хилько Екатерина Викторовна** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг трамплин бўйича спортчи-йўриқчиси

**Ходжаев Шуҳрат Хуршидович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг самбо бўйича мураббийси

**Хусанов Шерзод Олимович** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси

**Қаландаров Азамат-Али Дўстмуротович** — Халқаро тоифадаги спорт устаси, каратэ бўйича жаҳон кубоги ғолиби

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Усмонов Убайдулла Абдужалилович** — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг ўринбосари

***Халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари, истиқлолни мустаҳкамлаш, ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:***

## «Буюк хизматлари учун» ордени билан

**Ртвеладзе Эдуард Васильевич** — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, академик

**Қобулова Саодат** — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори

**Ҳошимов Ўткир** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, ёзувчи

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Иноғомов Ғофур** — Т. Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри созандаси

**Миразизов Кўчқор Жўраевич** — Биринчи Тошкент тиббиёт институти отоларингология кафедраси профессори

**Саидқосимов Пўлат** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

**Тоиров Мирзо Ҳакимович** — Т. Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри найчиси, профессор

**Хўжаева Лола Аъзамовна** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори

**Ғойипов Турғунбой** — ёзувчи

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдурасулов Ҳайитмат (Ҳайитмат Расул)** — «Ўзбектеатр» бирлашмаси репертуар бўлими раҳбари

**Абдураҳмонова Дилбар Ғуломовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри дирижёри

**Абдуқаюмов Мелис Набиевич** — Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг «Радиопрепарат» корхонаси директори

**Азизов Турғун Турсунович** — Ўзбекистон халқ артисти

**Алиев Бахтиёр Тошкенбаевич** — «Баҳор» ансамбли мусиқа раҳбари

**Алимхўжаева Чаман Рахимовна** — Республика енгил саноат касб-ҳунар лицейи жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Ахмедходжаев Саидботир Саидганиевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёри

**Аширова Моҳина** — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг Маданият ва санъат илмий таҳририяти мудири

**Бахромов Икром** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Бошбеков Шароф** — драматург

**Девонов Санъат** — Ўзбекистон халқ артисти

**Жабборов Илҳом** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, ҳайкалтарош

**Забихужаев Рамизулло Носирович** — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

**Мадраҳимова Насибахон** — Республика ўқувчилар саройининг «Юлдуз» рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Муқминова Розия Галиевна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти етакчи илмий ходими

**Назаров Жалолиддин** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори

**Олимов Султонмурод** — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари

**Отабоев Аҳмаджон** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим муҳаррири

**Раҳметов Маҳамет (Муҳаммаджон Раҳматов)** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси масъул муҳаррири

**Сагдуллаев Талъат** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Ҳуқуқ» кафедраси мудири

**Салимов Даврон** — Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр

**Ташкенбаев Асрал Газибаевич** — Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри актёри

**Фахриддинов Зайнутдин Рамзиевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Ҳайдаров Ўткирбек Абдужалилович** — «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг бокс бўйича йўриқчиси

**Чусовитина Оксана Александровна** — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спорт гимнастикаси бўйича спортчи-йўриқчиси

**Шоёқубов Шохалил Каримович** — «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори

**Эшонов Бозорбой Алламбергенович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси цех бошлиғи

**Юсупов Ўринбой** — «Ўзбекистон» нашриётининг ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси

**Ғуломов Аброр Ахророович** — «Жаҳон» ахборот агентлиги бош директори

**Ҳабибуллаев Нозим Насибуллаевич** — Темурийлар тарихи давлат музейи директори

***Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшгани ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотланди:***

## I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Аҳмедов Меҳмон Носирович** — Педиатрия илмий-текшириш институти директорининг муовини

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Колюшева Ирина Борисовна** — Республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийси

**Кучкаров Марс Галиевич** — Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг бокс бўйича мураббийси

**Носирова Муҳарам Собировна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Диагностика поликлиникаси шифокори

**Размахов Анатолий Александрович** — Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг бокс бўйича мураббийси

**Сапаева Шукуржон** — «Соғлом авлод ғунчалари» болалар театр студияси бадиий раҳбари

**Солиҳова Манзура Орзиқуловна** — Мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш республика курслари бошлиғи

**Файзиева Убайда Юнусовна** — А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтининг «Махсус таълим» кафедра мудири

***Диёримизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:***

## «Дўстлик» ордени билан

**Алехина Валентина Васильевна** — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Алиев Магомед-Али** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Ан Владимир Сергеевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Бабаджанов Фарҳод** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканалининг катта муҳаррири

**Бегматов Эрнст Азимович** — Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири

**Бўтаев Шойим** — «Ўзбектелефильм» студияси бош муҳаррири, ёзувчи

**Жидкова Елена Николаевна** — Тошкент шаҳар «Тошшаҳарйўловчитранс» тиббиёт-санитария қисми бош шифокори

**Исҳоқов Энгель Изимович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Лейдерман Ада Юльевна** — Фанлар академияси Физика-техника институти етакчи илмий ходими

**Малахова Тамара Мухтаровна** — Тошкент шаҳар Сирғали тумани марказий поликлиникаси лабораторияси мудири

**Манасян Светлана Гургеновна** — Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

**Михайлов Владимир** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Насирова Фарида Абраровна** — Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасининг бош назоратчи методисти

**Низаев Тимур Теджиевич** — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

**Нуриев Альберт Янович** — Ўзбекистон академик рус драма театри директори ўринбосари

**Ортиқов Умид Умарович** — «Ўзкинохроника» студияси режиссёр-оператори

**Пак Лилия Леонидовна** — «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

**Перегулов Леонид Васильевич** — Олий таълим муаммолари институти директори муовини

**Розенберг Исаак Юрьевич** — «Ўздавцирк» бош директори ўринбосари

**Сальников Эдуард Анатольевич** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг чилангар-таъмирловчиси

**Тухтаев Тулаганходжа** — «Ўзтелерадио» компанияси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг «Ватандош» радиостанцияси бош муҳаррири

**Усачев Артур Фёдорович** — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз-монтаж цехи муҳандиси

**Шомаҳмудова Рихсинисо** — Республика Таълим маркази дефектология бўлими бошлиғи

**Юсупов Боймурат Жумаевич** — Халқаро Кураш ассоциацияси халқаро алоқалар ва спорт департаменти директори

**Янов-Яновская Наталья Соломоновна** — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини юртдошларимиз онги ва қалбига сингдириш, ёш авлодни Ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:***

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Абдуғани Набиевич** — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари

**Азимов Абдумажид Абдуллаевич** — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги республика ахборот таҳририяти бош муҳаррири

**Акбаров Ҳайдарали Асқарович** — «Спорт» газетаси бош муҳаррири

**Алиев Акбар Усмонович** — Фанлар академияси Астрономия институти директори ўринбосари

**Алиев Али Энверович** — Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлими етакчи илмий ходими

**Алиева Норбу Чуталовна** — «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Отель Саёҳат» ҳиссадорлик жамияти ошпази

**Аловутдинов Низом** — М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси етакчи мутахассиси

**Аминов Билал** — «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси мутахассиси

**Арипов Аброл Илхомович** — «Халқ сўзи» газетаси безатиш бўлими мудири, масъул котиб ўринбосари

**Артиқова Наиля Александровна** — «Ўзбекрақс» бирлашмаси рақс студияси ўқитувчиси

**Ботирбеков Турсунбой Курбонович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) бўлим мудири

**Бурханова Файзилатхон Баҳодировна** — «Ўзтелерадио» компанияси республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи фонотека бўлими бошлиғи

**Валиходжаева Дания Ҳакимовна** — Тошкент рангли босма фабрикасининг муқовалаш цехи тикувчиси

**Габзалилов Юлай Янтураевич** — «Ёзувчи» нашриёти етакчи мутахассиси — бадиий муҳаррир

**Голикова Лидия Семёновна** — Тошкент шаҳар 5-юқумли касалликлар шифохонаси провизори

**Дадаян Рафи Рубенович** — «Ўзтелерадио» компанияси телемарказининг етакчи мутахассиси

**Жумааҳмедов Абдулла Давлатёрович** — «Ўзтелерадио» компанияси телеоператори

**Жумаев Шамсиддин Ғаффорович** — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим бошлиғи

**Захарова Жанна Михайловна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси шарҳловчиси

**Золотилова Татьяна Георгиевна** — «Маънавият» нашриёти техник муҳаррири

**Зуфаров Рихси Музаппарович** — «Ўзбекфильм» киностудияси хизматчиси

**Иброҳимов Ҳусан** — «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Исаева Муқаддас Абдуқодировна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри хор артисти

**Исақова Дилбар Тошпўлатовна** — Тошкент тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Исматуллаев Фатхулла Раҳматович** — Тошкент кимё технология институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

**Исмоилова Дилором Абдуқодировна** — «Саодат» журнали бўлим муҳаррири

**Исроилов Толибжон Юлдашевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ассалом, Ўзбекистон!» бош муҳарририятининг муҳаррири, кўрсатув бошловчиси

**Йўлдошев Акбар Эргашевич** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти концертмейстер-доирачиси

**Казакова Людмила Александровна** — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти муҳаррири

**Калашников Николай Александрович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Камалова Мохиниса Ҳусановна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Иқтисодиёт» муҳарририяти катта муҳаррири

**Каримбеков Қобилбек Тўхтабекович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Сиёсат» муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

**Каримов Сирожиддин Сайфиевич** — Фанлар академияси илмий кадрлар бўлими бошлиғи

**Каримхўжаев Собир** — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

**Ким Владимир Алексеевич** — Ўзбекистон Сирим (корейс кураши) федерацияси раиси

**Королев Александр Владимирович** — Давлат ва жамият қурилиши академияси «Юнусобод» футзал клуби ўйинчиси

**Кучеренко Людмила Михайловна** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

**Латипов Абдужаббор Жалилович** — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Латипов Чори Тошмуродович** — «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири

**Лафасов Мойли Фозилович** — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълим марказининг бўлим бошлиғи

**Мадаминова Маҳсуда Анваровна** — «Чинобод» санаторийси шифокор ординатори

**Мильчакова Анна Фёдоровна** — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

**Миргалаутдинов Камиль Наильевич** — «Ватанпарвар» газетаси масъул котиби

**Мирзабеков Муллабек** — «Дийдор» театр-студияси актёри

**Мирзакаримов Шухрат Йигиталиевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси телеоператори

**Мухитдинова Озода Миркомиловна** — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти миллий кенгашининг «Тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш» бўлими бошлиғи

**Намозов Мусурмон Алматович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

**Одилов Мирвосил Вахитович** — «Гулхан» журналининг масъул котиби

**Очилов Нормўмин Амирович** — «Мулоқот» журнали бўлим мудири

**Пирматов Серик** — «Соғлом авлод учун» журнали бўлим муҳаррири

**Раджапов Равшан Салимович** — Давлат ва жамият қурилиши академияси «Юнусобод» футзал клуби ўйинчиси

**Рахимов Тура Тешабаевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Киномаркази» директори ўринбосари

**Рашидов Махмуд Расулович** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

**Садиков Алишер Уткурович** — Биринчи Тошкент босмахонаси муқовалаш цехининг ускуна созловчиси

**Саидов Аббос** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Сиддиқова Санталат** — Тошкент шаҳар «Камалак» оилавий фольклор дастасининг раҳбари

**Соатова Шоҳида Шоисломовна** — «Чўлпон» нашриёти муҳаррири

**Суханович Алла Львовна** — «Класс» газетаси бўлим муҳаррири

**Сухов Ринат Аҳмедович** — «Ўзтелерадио» компанияси телевизион марказининг ёритувчиси

**Тишабоева Муборак Ҳикматовна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари

**Тожиева Замира Латиповна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Машъал» дирекциясининг сиёсий шарҳловчиси

**Турдалиев Давлатжон Охинович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканалининг бўлим бошлиғи

**Турдиева Кавсар** — Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Умарходжаева Валида Исмоиловна** — Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ходимлар бўлими бошлиғи

**Усманов Владимир Омарович** — В. А. Бугаев номли Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

**Ходжаева Дильбар Файзиевна** — «Маърифат» газетаси мухбири

**Холбекова Гулнора Мирзаҳамидовна** — «Туркистон» газетаси бўлим мудири

**Шоабдураҳимов Нодир** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Юнусов Файзулла Ҳамидуллаевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали «Давр» дирекцияси бош муҳаррири

**Қаюмов Қодиржон Тоштемирович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси газета цехининг ЭҲМ оператори

**Қиличева Марҳамат** — «Ўзкинохроника» киностудияси фильм монтажчиси

**Қодирова Маъмура Самиковна** — Тошкент шаҳар 1-болалар мурувват уйи энагаси

**Қориева Раъно Нигматовна** — Тошкент шаҳар 2-болалар мурувват уйи тарбиячиси

**Ғафуров Баҳодир Толипович** — «Ўзкинохроника» киностудияси овоз оператори

**Ҳамидов Муҳамадхон** — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти декани

---

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шанба куни Самарқанд шаҳрида тантанали равишда очилган «Шарқ тароналари» халқаро учинчи мусиқий фестивали қатнашчиларига табрик йўллади. Давлатимиз раҳбарининг фестиваль қатнашчиларига йўллаган ушбу табригини Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ўқиб эшиттирди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

• Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

• Республика Байналминал маданий марказида Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида поляк маданий маркази томонидан уюштирилган мамлакат Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган маросим ўтказилди.

• Ўтган жума куни «Жар» спорт мажмуида аёллар самбоси биринчи Халқаро фестивали бошланди. Фестивалнинг якунловчи куни — 31 августда Европа ва Осиё терма жамоалари суперкубок учун ўзаро беллашади.

### Жаҳонда

• **Кеча** Иордания подшоҳи Абдулла II Москвага келди. У Россия федерацияси Президенти Владимир Путин билан Яқин Шарқ муаммосини муҳокама этмоқчи. Давлат раҳбарларининг учрашуви **эртага** бўлиб ўтади. Унда икки томонлама алоқаларнинг истиқболлари тўғрисида ҳам фикр юритилади.

• **Кеча** Венгрия пойтахти Будапештда кураш бўйича учинчи жаҳон чемпионати тантанали равишда очилди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам қатнашмоқда.

• Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе тўсатдан ўз таътилини тўхтатиб Боржомидаги санаторийдан Тбилисига қайтиб келди. Бунга грузин-абхаз чегарасидаги вазиятнинг кучайганлиги сабаб бўлган деб қаралмоқда. Россия оммавий ахборот воситалари чечен жангариларининг ушбу ҳудудга тўпланаётганлиги тўғрисида хабар бердилар. Бироқ бу хабар Грузия томонидан ҳам, Россия томонидан ҳам расман тасдиқланганича йўқ.

• Украина Президенти Леонид Кучма шанба куни Донецкда Засядько номидаги шахтада рўй берган ҳалокат туфайли вафот этганларнинг қабрига гуллар қўйди. Ушбу ҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмган essential кончиларнинг умумий сони 51 кишини ташкил этади. Жароҳатланган яна 37 нафар кончи касалхонада ётибди, шулардан 12 кишининг аҳволи оғир ҳолатда.

• Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзянь Цзэминь келгуси йилнинг кузида давлат, партия ва армиядаги раҳбарлик лавозимларини тарк этиш режасида. Хитой Халқ Республикаси Раислиги лавозимини унинг вориси, унинг ҳозирги ўринбосари, 58 ёшдаги Ху Цзиньтя эгаллаши керак.

• **Бугун** Эстония парламенти давлатнинг янги раҳбарини сайлайди. Ушбу лавозимга икки номзод даъвогарлик қилмоқда.

• **Кеча** Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Ғазо минтақаси ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Фаластин қуролланган бўлинмаларининг базаларига ва қароргоҳларига қарата зарбалар берди.

• Россиялик чегарачилар Россия — Грузия чегарасидан ноқонуний равишда ўтишга уринган Франциянинг уч фуқаросини қўлга олдилар.

• Беларусь маъмурлари шу йилнинг сентябрь ойи бошларида президентлик сайловлари бўлиб ўтадиган давлатнинг ички ишларига аралашганликдаги айблов билан Америка касаба уюшмаси арбобини мамлакатдан чиқариб юбордилар.

• Берлинда IFA теле ва радиотехника халқаро кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 40 та мамлакатидан 900 дан зиёд фирма қатнашмоқда.

• Афғонистондаги Толибонлар маъмурияти Интернетдан фойдаланишни таъқиқловчи расмий фармонни эълон қилди.

• **Кеча** Туркия жанубида Рихтер ўлчови бўйича 5,4 балл кучга эга бўлган ер силкиниши содир бўлди. Ҳалок бўлганлар ва вайронагарчиликлар бўлмади. Балкондан сакраган икки киши жароҳатланди.

• **Кеча** Таиландда филлар устида оммавий тўй бўлиб ўтди. Миллий филлар қўриқхонасида бўлиб ўтган ушбу ажойиб маросимда Канада, АҚШ, Швейцария, Германия, Австралия ва Таиланддан 13 жуфт келин-куёв иштирок этди.

## Қутлаймиз!



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан тақдирланган фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимлари орасида бизнинг ҳамкасбимиз — «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари Лилия Леонидовна Пак ҳам бор.

«Оқшом» газеталарида ишлар экан Лилия Пак қаламига мансуб кўпгина мақолалар муштарийлар орасида катта қизиқиш уйғотиб, пойтахт газеталари саҳифаларида эълон қилинган унинг мақолалари эътироф этилиб келди.

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ижодий жамоаси Лилия Пакни Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланганлиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади ва унга ижодда янгидан-янги зафарлар тилайди.

**«Оқшом» чилар.**

**Республика байналмилал маданият маркази,
Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгаши,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси,
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар
билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши
ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши**




**10 ЙИЛЛИГИ**

*Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини
энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги
билан табриклайди
ва барча тошкентликлар ва пойтахт
меҳмонларини 2001 йил 1 сентябрь соат
11.00 да Халқлар дўстлиги майдонида барча
миллий-маданий марказлар иштирокида
бўлиб ўтадиган катта байрам
тантаналарига таклиф этади.*

*БАЙРАМ ДАСТУРИДА*

*— Таниқли артистлар ва бадиий
жамоаларнинг катта концерти;
— Миллий либослар карнавали;
— Ўзбекистон халқлари миллий таомлари
ва пазандачилик санъати намойиши.*

*Мустақиллик куни —
Ўзбекистонда яшайдиган барча халқлар
ва миллатларнинг байрамидир
БИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!*

Ташкилий қўмита



# Азиз юртдошлар!



# «НОН-ПАСТА»



## очиқ турдаги акционерлик жамияти

Сизларни улуғ айём — Истиқлолнинг 10 йиллиги
билан самимий қутлайди




*Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ,
оилангизга тинчлик-тотувлик,
хонадонингизга қут-барака тилаймиз.
Ўзбекистон давлатининг иқтисодий
қудратини, халқимиз турмуш
фаровонлигини ошириш йўлидаги
саъй-ҳаракатларингизда омад ёр бўлсин!
Энг улуғ, энг азиз айём —
Мустақиллик байрамингиз муборак
бўлсин, қадрли ватандошлар!
Юртимиз узра озодлик қуёши мангу
порлайверсин!*










Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур...**

# БАШОРАТ ВА ИШОРАТ

Ўтмишда туш таъбири ҳақида ўнлаб китоблар ёзилган. Исломда тушларнинг башоратли ва башоратсиз бўлиши ҳақида ихтилоф йўқ. Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилишича, у деди: «Расул алайҳис салом бемор бўлиб қолганларида ёронлари ғамгин бўлиб, уларнинг олдиларига келдилар ва дедилар: «Сиз бизга яхши ишлардан хабар берар эдингиз, энди эса, Худо ўзи асрасин, ажал келиб қолса, бизга ким хабар беради, дин ишида қандай чора кўриш ҳақида қаердан хабар топамиз?» Расул алайҳиссалом: «Вафотимдан сўнг ваҳий келиши тўхтайди, аммо башорат тўхтамайди», — дедилар. «Башорат нима?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Яхши одамнинг туш кўриши ёки унинг ҳақида бошқа одамнинг туш кўриши», — дедилар. Яна Расулуллоҳ: «Туш пайғамбарликнинг қирқ олти улушидан бир улушдир», — дедилар.

Ўтмиш уламолари туш таъбирини осонгина билиш учун махсус қўлланма китоблар туздилар. Уларнинг ичида машҳури арабча «Татийр ул-маном» асаридир.

**Туш кўрсанг, кундузи ё шом ичида,
Ё тунда туш кўрсанг ором ичида.
Ортиқча ғам ема ёки шод бўлма,
Таъбири «Татийр ул-маном» ичида.**

Форсча туш таъбирномалари ичида Тифлисийнинг «Комил ут-таъбир» асари ўз мукаммалиги билан ажралиб туради.

**Туш кўрсанг, шу замон таъбирин қидир,
Яхшими ё ёмон, тадбирин қидир.
Таъбирга муаббир[1] бўлмаса агар,
Тифлисий «Комил ут-таъбирин» қидир.**

Тифлисийнинг ёзишича, Расулуллоҳ кўпинча саҳобалардан қандай туш кўрганларини сўрар ва уларнинг тушларини таъбир қилиб берар эканлар.

**Уламо аҳли кўп пок тадбир эди,
Туш борки, уларда бир таъбир эди.
Таъбирга бепарво бўлмаки, Расул —
Саҳоба аҳлига муаббир эди.**

Одамларнинг ҳаётида кўплаб башоратли тушлар бўлади. Бироқ таъбир илмини билмагани ёки қўлида таъбирномалар бўлмагани учун тушларига эътибор бермайдилар.

**Айрим тушдан кўзда нам пайдо бўлур,
Кеча-кундуз ўйлаб, ғам пайдо бўлур.
Башорат юз берар айрим тушингдан,
Аммо, бундай тушлар кам пайдо бўлур.**

Мен қиблагоҳим Махдум Восилийнинг вафот қилишларини олдиндан тушда кўрган эдим. Воқеа бундай бўлган эди.

Отамнинг кўзлари кўрмай қолиб, жарроҳлик йўли билан очиш учун Андижонда касалхонага ётқизган эдик. Уч-тўрт кун ўтгач, инфаркт бўлиб қолдилар. Даволаш тугагандан сўнг, яна кўзларини операция қиладиган бўлишди. Бир куни кечаси туш кўрдим. Қиблагоҳим Марҳаматдаги уйимизда ҳаётлик пайтларида ҳеч қачон киймаган зарбоф тўнда, бошларида чиройли салла ва оёқларида янги маҳси, қўлларида қамчи билан турибдилар. Бироқ юзларида даҳшатли ғазаб бўлиб, бу ғазаб бизларга ҳам таъсир қилиб, қўрқиб турган эмишмиз. Улар: «Кўр қори келиши керак эди, келмаяпти», — деб шиддат билан кўчага чиқиб, уйга кирар эдилар. Кўр қори нариги маҳаллада яшайдиган Одил қорининг лақаби бўлиб, бу қори туғма кўр эди ва бизнинг ёшлик пайтимизда ўлиб кетган эди.

Уйқудан уйғондим, ярим кеча эди. Дилим хира тортди. Ўлиб кетган кўр қорининг кўр бўлиб қолган дадамнинг олдига келиши ва уларни қаёққадир олиб кетиши кераклиги дилимга ваҳима солди. Кечаси соат бирда эшик қўнғироғи жиринглади. Очдим. Қўшнимиз: «Акангиз телефон қиляптилар» — деди. Чопиб чиқдим, акам:

— Дадамиз оламдан ўтдилар, тез етиб келишга ҳаракат қилинг! — дедилар.

Маълум бўлишича, эртаси куни отамни иккинчи марта кўз операциясига олиб чиқишлари керак экан. Бироқ юраклари яна панд бериб қолибди. Қўшним машинаси билан бизни ярим кечада аэропортга олиб чиқиб қўйдилар. Биринчи рейс билан учиб кетдик.

Таъбирномаларда ёзилишича, яхши ва ёмон тушларга садақа бериш лозим. Яхши тушга яхшилиги учун, ёмон тушга эса ёмонлигини қайтариш учун садақа берилади. Зотан, ҳадисларда айтилишича, садақа ўлимдан бошқа барча нарсани қайтаради, садақа Худойи таоллонинг ғазабини сўндиради.

**Туш кўрсанг, бадрақа[2] лозим бўлади,
Руҳингга тафриқа[3] лозим бўлади.
Яхшими ёмон туш, Расул сўзича,
Гадойга садақа лозим бўлади.**

Қиблагоҳим тирик пайтларида бу фақирга Тифлисийнинг «Комил ут-таъбир» китобини ўзбек тилига таржима қилинса, хўб яхши бўлар эди-да, деган эдилар. Ота орзусини бу фақир ўзига вожиб санаб, ўша асарнинг бир қисмини таржима қилиб, 1991 йили «Меҳнат» нашриёти орқали чоп қилдирган эди. Шу кунларда эса катта ҳажмли бу китобни ўзбек ва рус тилларига тўлиғича таржимасини амалга оширдим. Бироқ уни нашр қилиш муаммоси турибди. Эҳтимол, яхши ниятли бир одам чиқиб қолиб, хайрли иш амалга ошиб қолса.

**Тушлар замирида башорат бордир,
Бўлғуси ишларга ишорат бордир.
Айрим тушларингда шодликлар бўлса,
Айрим тушларингда шарорат[4] бордир.**

Улуғ муаббирларнинг таъкидлашларича, инсон қандай туш кўришига қарамай, бу тушларни яхши таъбир қилиши лозим. Бошқаларнинг тушини фақат яхшиликка йўйиши керак. Акс ҳолда яхши тушнинг таъбири тескари бўлиб чиқиши мумкин экан.

**Туш кўрсанг, ёмон деб ўйлашни қўйгин,
Ёмонни яхши де, шодликка тўйгин.
Қандайин туш кўрсанг, кўргину бироқ,
Кўрилган тушларни яхшига йўйгин.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

[1] Муаббир — таъбирчи
[2] Бадрақа — йўлга солувчи.
[3] Тафриқа — паришонлик.
[4] Шарорат — ёмонлик.

